ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
УРГАНЧ ШАҲАР
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
URGANCH SHAHAR
HOKIMI
QARORI

220100, Урганч шаҳар, Абдулла Баҳодирхон кўчаси, 186-уй.

«06» апрель 2020 йил — Урганч шаҳри

№ 452-ф

Урганч шаҳрида ҳаракатланиш хавфсизлигини таминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Урганч шаҳрининг Саноатчилар кўчасида ҳаракатланиш хавфсизлигини таминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва намунали жамоат тартибини сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон Қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Урганч шаҳар ИИО ФМБнинг 2020 йил 26 февралдаги 10/-751-хати қаноатлантирилсин.

2.Урганч шаҳар Саноатчилар кўчасидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятига эга бўлган 4р162 "Урганч шаҳри айланма йўли" автомобил йўлининг "Хоразм идеал газ" МЧЖга карашли автомобилларга сиқилган табиий газ қуйиш шаҳобчаси олдида 3.27. "Тўхташ тақиқланган" йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3.Мазкур қарор "Урганч оқшоми" газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

4.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари К.Шамуратов зиммасига юклантилсин.

Урганч шаҳар ҳокими — **Ш.Абдуллаев**

Scanned by TapScan

URGANCH OQSHOMI

URGANCH SHAHAR HOKIMLIGINING GAZETASI

2001 YIL 1 SENTABRDAN CHIQA BOSHLAGAN | 2020 YIL, 13 MAY, № 9 (1589)

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАБРИГИ ВА СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Хотира - азиз, қадр - муқаддас. Юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни байрамини нишонлаш, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 март куни "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига асосан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдорида бир йўла пул мукофоти берилиши белгиланган эди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи уруш фахрийларига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Табриги ва 10 миллион сўмдан пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Урганч шаҳар ҳокими Шуҳрат Абдуллаев "Бешмерган" маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Жаббор ота Қаландаров хонадонига ташриф буюриб, Президентимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан йўллаган Табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, 10 000 000 (ўн миллион) сўм пул мукофотини, "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 75 йиллиги" юбилей медалини, "Ўзбекистон ҳалқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси" китоб-альбомини, "Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари" номли китобни ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

- Дўстларим қатори мен ҳам фронга кетаётганимда чиқиларимнинг кўзларидаги изтиробни ҳали-ҳануз эслайман. Ватанимиз учун жангларда мардонавор курашдик. Ўша пайтда бундай даврлар келади, бизнинг меҳнат-машаққатларимиз юксак қадрланади, деб ҳеч ўйламагандик. Бизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз, - дейди кўзида қувонч ёшлари билан Жаббор ота Қаландаров.

Аждодлар хотирасини эъзозлаш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бағчамизнинг бурчимиздир.

Б. ХУДОЙБЕРГАНОВ

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида нуроний-лар ва кекса авлод вакиллари ҳолидан хабар олинияпти, уларга ҳар томонлама мадад кўрсатиляпти.

Жумладан, Урганч шаҳрида яшовчи уруш қатнашчиларидан Жаббор ота Қаландаров хамда Собир ота Курбонов ҳолидан хабар олинди.

Байрам арафасида улар яшаётган хонадонлар Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида қайта таъмирлаб берилди.





ЙЎЛЛАРИМИЗ КУНДАН-КУНГА РАВОН БЎЛИБ БОРМОҚДА

Урганч шаҳар ҳокими ташаббуси билан жорий йилнинг 24 апрелида ташкил қилинган ушбу корхонада 24 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Урганч шаҳар кўчаларини босқичма-босқич

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УРГАНЧ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашининг учинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессия ишини халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши раиси, Урганч шаҳар ҳокими Шуҳрат Абдуллаев бошқариб борди.

Сессияда секторлар кесимида шакллантирилган ишсиз ва кам таъминланган аҳоли руйхатини тузиш, уларга ихтиёрий тарзда тадбиркорларни бириктириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, мухтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ушбу жараёнларда фаол иштирок этган тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар берилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан секторлар раҳбарларининг маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан бўлган мунозараларда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари Мадрахимова Мадинабегим, Дилфором Атаева сўзга чиқиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Сессияда тегишли масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Б.Қурбонов қатнашди ва сўзга чиқди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УРГАНЧ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессия ишини халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши раиси, Урганч шаҳар ҳокими Шуҳрат Абдуллаев бошқариб борди.

Сессияда секторлар кесимида шакллантирилган ишсиз ва кам таъминланган аҳоли руйхатини тузиш, уларга ихтиёрий тарзда тадбиркорларни бириктириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, мухтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ушбу жараёнларда фаол иштирок этган тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар берилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан секторлар раҳбарларининг маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан бўлган мунозараларда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари Нилуфар Ғозиева, Рашан Абдушкур сўзга чиқиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Сессияда Урганч шаҳар ҳокимининг 2020 йил 9 мартдаги "Ахмедов Зафар Қадировични Урганч шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимидан озод этиш тўғрисида"ги №354к-сонли қарори тасдиқланди.

Сессия ишида Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Садуллаев қатнашди ва сўзга чиқди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«САХОВАТ ВА КЎМАК» ТАДБИРЛАРИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

URGANCH SHAHAR

«SAXOVAT VA KO'MAK»

Юртбошимиз ташаббуси билан коронавирус пандемиясига қарши ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилаларга, ногиронлиги бўлган шахслар ва оғир қарияларга, вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ҳар томонлама мадад кўрсатилмоқда.

Урганч шаҳар ҳокимининг қарори

Урганч шаҳрида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Урганч шаҳрининг Саноатчилар кўчасида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва намунали жамоат тартибини сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Урганч шаҳар ИИО ФМБнинг 2020 йил 26 февралдаги 10/-751-хати қаноатлантирилсин.

2. Урганч шаҳар Саноатчилар кўчасидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятига эга бўлган 4р162 "Урганч шаҳри айланма йўли" автомобиль йўлининг "Хоразм идеал газ" МЧЖга қарашли автомобилларга табиий газ қуйиш шохобчаси олдида 3.27 "Тўхташ тақиқланган" йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3.Мазкур қарор "Урганч оқшоми" газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

4.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган ҳисоблансин.

5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари К.Шомуратов зиммасига юклатилсин.

Урганч шаҳар ҳокими
Ш.АБДУЛЛАЕВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Урганч шаҳар ҳокими Ш.Абдуллаев бошчилигидаги бир гуруҳ корхона-ташкилотлар вакиллари уруш фахрийлари ва фронт орқасида меҳнат қилган кекса авлод вакиллари хонадонларига ташриф буюриб, уларга "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалаба-нинг 75 йиллиги" юбилей медали ва қимматбаҳо совғалар топширдилар.



ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

1926 йилда таваллуд топган, уруш йилларида фронт ортида меҳнат қилган, фидойи онахон Ниёзжон Худойберганова бугунги дориламон кунларга шукроналар айтиб яшашдан ҳеч чарчамайди.

- Урушга кетган ака-укаларимиз учун фронт ортида туриб, фидойи меҳнат қилдик. Бир бурда нонимиз борми, кийимимиз борми, барчасини жангда мардонавор курашаётган юртдошларимиз учун ғамладик. Энди эса осмони мусаффо кунларга етиб келганимизга шукроналар айтиб яшаяпмиз" - дейди онахон.

Кейинги манзил "Бешмерган" маҳалласида истиқомат қилувчи 1929 йилда туғилган Тура ака Янгибоев хонадони бўлди. Кўп йиллар давомида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасига умрини бағишлаган, 92 ёшни қаршилаган отахонга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

- Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Чунки биз оғир даврларни бошдан ўтказдик. Шу туфайли, ҳар доим невараларимга бу ҳақда ҳикоялар сўзлаб берамиз. Ҳозирги кунларни қодирга етишларини ўзгаларга ҳам, - дейди Тура ака Янгибоев.

Зарифбой ИБРАГИМОВ
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Урганч шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари.

ЙЎЛЛАРИМИЗ КУНДАН-КУНГА РАВОН БЎЛИБ БОРМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, янги корхона жамоаси ўз ишини шаҳардаги "Маърифатчи" кўчасини таъмирлаш ишларидан бошлаб, пойтахтга етказди.

- Олдинлари "Маърифатчи" кўчаси таъмирталаб бўлганлиги боис шаҳар аҳолисининг норозилигига сабаб бўлиб келаётган эди. Шаҳар ҳокимлигининг қатъий назорати остида ишлар кечаю кундуз узлуксиз олиб борилиб, қисқа фурсат ичида йўл муаммоси бартараф қилинди. Айтиш мумкинки, бу йўл шаҳар аҳолиси учун 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига катта совға бўлди. Шаҳримиз кундан-кунга чирой очиб боришганлиги Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсати самараси деб ўйлайман, - дейди "Маърифатчи" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Аминбой ака.

Бундан ташқари, унитар корхонадаги ишчи хизматчилар сонини 150 нафарга етказиш кўзда тутилган. Унитар корхона нафақат шаҳар йўлларининг тоза ва равон бўлиши, балки, аҳоли бандлигини таъминланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Бу йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишда, шунингдек, инсонларнинг мақсадларига эришишида ўз самарасини бермоқда.

Анварбек РУЗМЕТОВ,
"Урганч йўлларидан мунтазам фойдаланиш" унитар корхонаси директори.

«САХОВАТ ВА КЎМАК» ТАДБИРЛАРИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Урганч шаҳрида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасидаги ишларни манзилли йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тадбиркорлар жалб қилиниб, бу борада амалий ишлар давом этмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш тадбирлари кўрилияпти. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида бу борадаги ишлар уюшқоқлик билан ташкил қилинган.

"Саховат ва кўмак" жамғармасига тушган маблағларнинг манзилли сарфланишини таъминлаш мақсадида, сектор раҳбарларининг таклифлари асосида, ишсиз қолган ҳамда эҳтиёжманд аҳоли қатламлари номма-ном аниқланиб, шакллантирилган рўйхатлар асосида уларга керакли, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар тарқатилмоқда. Айни кунда шаҳримиздаги 4 та сектор бўйича кам таъминланган оилалар 1446 тани ташкил қилади. Шулардан, ногиронлиги бўлган фуқаролар 502, боқувчисини йўқотган шахслар 117 нафардир. Ушбу эҳтиёжманд оилаларга "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ўз вақтида ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

СИРДАРЁЛИКЛАР, БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ!

Урганч шаҳри аҳолисидан йиғилган турли хил маҳсулотлар ортилган юк машиналари карвони Сирдарё вилоятига етиб борди.

"Дўст оғир кунда синалади" деб бежиз айтишмайди. Эл бошига ташвиш тушган синовли кунларда бир-бирига елкадош бўлиб, янада жипслашиб, машаққатларни ҳамжиҳатликда енгиб ўтиш халқимизнинг азалий анъаналаридандир. Меҳр ва саховатли, бағрикенг юртдошларимиз айни кунда бирлашиб, "Сардоба" сув омборида содир бўлган фавқулодда вазият натижасида азият чекаётган сирдарёликларга инсонпарварлик ордамини кўрсатишмоқда.

- Сирдарёда рўй берган сув тошқини оқибатида кўплаган оилалар бошпанасидан мол-мулкидан ажралиб қолганди. Аммо, биз Урганч шаҳри аҳолиси ҳозир уларнинг онида бўла оламасак-да, қалбан бирга эканлигимизни намоён этиш учун олиқ овқат, кийим-кечак сингари хайрия маҳсулотлари билан сирдарёлик юртдошларимизга мадад қўлимизни чўзмоқдамиз, - дейди халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати Отахон Бекчанов.

Шаҳар аҳолиси хайрия тадбирларида фаол қатнашиб, уларнинг вақтли ва сифатли ўтказилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Сирдарёликларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар томонлама қулай шароитлар яратилмоқда. Ўтказилаётган тадбирлар жараёнида ...

ҚУРУВЧИЛАРИМИЗ
ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ЁРДАМГА ОТЛАНИШДИ

Сирдарё вилоятининг сув тошқинидан зарар кўрган ҳудудларида вилоятлар кўмаги билан тикланадиган турар жойлар сони шакллантирилди. Ҳар бир вилоятга имкониятдан келиб чиқиб 100 дан ортиқ хонадон бириктирилди. Бу ердаги умумхалқ ҳаракатида вилоятимиздан ҳам 2000 га яқин етиб терувчи, бетон қуювчи, пардозловчи ва бошқа мутахассислар қатнашишмоқда.

"Сардоба" сув омборидаги фавқулодда вазият шаҳримиз қурувчиларини ҳам мардага ундади. Шаҳарда фаолият юритувчи 8 та пудрат ташкилотнинг жами 190 нафар қурувчиси қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида Сирдарё вилоятига отланишди.

- Бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги сув тошкинидан зарар кўрилган ҳудудларда қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда кўлни кўлга бериб, офат оқибатларини бартараф этишда фаол кўлни бурчимиз, - дейди Урганч шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари К.Шомуратов.

Бунёдкорларимиз офат оқибатларини бартараф этилгунига қадар Сирдарё вилоятидаги қурувчиларга кўмакдош бўлишади.

Б.ХУДОЙБЕРГАНОВ